# РЕСПУБЛИКА СУД-ТИББИЙ ЭКСПЕРТИЗА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ МАРКАЗИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ СТАТИСТИК МАЪЛУМОТЛАР ТАҲЛИЛИ (мудалар бўйича)

**Иргашев Бахром Исхакович**

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилояти филиали, Чирчиқ шаҳар суд-тиббий экспертиза бўлинмаси суд-тиббий эксперти. телефон +998998965466;

Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилояти филиали, Ўзбекистон, Тошкент

**Аннотация.** Ушбу мақолада Республика суд-тиббий экспертиза илмий-амалий маркази Тошкент вилоят филиалининг статистик маълумотлари ўрганиш ва таҳлили берилган. Тадқиқот жараёнида йиллар давомида Тошкент вилояти миқиёсида ўтказилган мурдалар суд-тиббий экспертиза текширувлари таҳлил қилинди.

**Калит сўзлар:** Тошкент вилояти, мурдалар, статистика, маълумотлар, тахлили.

**Мавзунинг долзарблиги.** Тошкент вилоят филиали йиллик статистик ҳисоботлари асосида тақдим этилган маълумотлар солиштирма таҳлили.

**Тадқиқотнингт мақсади.** Мақолада Тошкент вилояти филиали статистик маълумотларини ўрганиш орқали олиб борилаётган текширувлар бўйича қандай ҳолатлар ўсиш ёки камайиш кузатилиши, шунингдек тайинланган экспертизалар турларидаги статистик маълумотларни баҳолаш.

**Тақиқот материаллари ва услублари.** Тадқиқот объектлари сифатида РСТЭИАМ Тошкент вилояти филилалининг 2022-2023-2024 йилларда ўтказилган мурдалар маълумотларни статистик тахлили асосида олиб борилди.

**Тадқиқот натижалари ва мухокамаси.** Тошкент вилоят филиалида **2022 йил давомида 2703 та мурда экспертиза текширувлари ўтказилган:**

Жами мурда экспертизасидан 597 таси механик жарохатлар натижасида ўтказилган бўлиб, шундан 400 таси транспорт травмасига тўғри келади. Транспорт трамасининг 384 таси автотравма натижасида ўлим содир бўлган.

Жами механик асфиксия 589 тани ташкил қилади. Шундан 361 таси осилиш, 167 таси чўкиш ҳолатлари натижасида ўлим юз берган.

Захарланиш бўйича текширилган мурда экспертизалари сони жами 111 тани ташкил қилади. Шундан 89 таси ис газидан, 9 та кислотадан, 0 таси дори воситасидан.

Термик таъсир бўйича 36 та мурда экспертизаси ўтказилган.

Жами зўраки ўлим 1373 тани ташкил қилган.

Аёлларни туғиш вақтидаги ўлими 12 тани ташкил қилган. Янги туғилган чақалоқлар ўлими 161 тани ташкил қилган, шундан 101 таси тирик туғилган.

Касалликлардан ўлим сони жами 1114 тани ташкил қилади. Ушбу ўлим сонидан юрак қон-томир касалликлари бўйича 548 та, нафас олиш аъзолари касалликлари бўйича 379, бошқа касалликлардан 187 ўлим юз берган.

Даволаш муассасаларидан келтирилган мурдалар сони жами 869 тани ташкил қилади.

**2023 йил давомида 2824 та мурда экспертизалари ўтказилган:**

Жами мурда экспертизасидан 583 таси механик жарохатлар натижасида ўтказилган бўлиб, шундан 399 таси транспорт травмасига тўғри келади. Транспорт травмасининг 368 тасида автотравма натижасида ўлим содир бўлган.

Жами механик асфиксия 569 тани ташкил қилади. Шундан 344 таси осилиш, 163 таси чўкиш ҳолатлари натижасида ўлим юз берган.

Захарланиш бўйича текширилган мурда экспертизалари сони жами 105 тани ташкил қитлади. Шундан 69 таси ис газидан, 8 та кислотадан, 3 таси дори воситасидан.

Термик таъсир бўйича 34 та мурда экспертизаси ўтказилган.

Жами зўраки ўлим 1348 тани ташкил қилган.

Аёлларни туғиш вақтидаги ўлими 3 тани ташкил қилган.

Янги туғилган чақалоқлар ўлими 123 тани ташкил қилган, шундан 60 таси тирик туғилган.

Касалликлардан ўлим сони жами 1348 тани ташкил қилади. Ушбу ўлим сонидан юрак қон-томир касалликлари бўйича 699 та, нафас олиш аъзолари касалликлари бўйича 430, бошқа касалликлардан 219 та ўлим юз берган.

Даволаш муассасаларидан келтирилган мурдалар сони жами 889 тани ташкил қилади.

**2024 йил давомида 2949 та мурда экспертизалари ўтказилган:**

Жами мурда экспертизасидан 621 таси механик жарохатлар натижасида ўтказилган бўлиб, шундан 427 таси транспорт травмасига тўғри келади. Транспорт травмасининг 408 тасида автотравма натижасида ўлим содир бўлган.

Жами механик асфиксия 559 тани ташкил қилади. Шундан 323 таси осилиш, 155 таси чўкиш ҳолатлари натижасида ўлим юз берган.

Захарланиш бўйича текширилган мурда экспертизалари сони жами 94 тани ташкил қитлади. Шундан 57 таси ис газидан, 6 та кислотадан, 5 таси дори воситасидан.

Термик таъсир бўйича 27 та мурда экспертизаси ўтказилган.

Жами зўраки ўлим 1338 тани ташкил қилган.

Аёлларни туғиш вақтидаги ўлими 6 тани ташкил қилган.

Янги туғилган чақалоқлар ўлими 143 тани ташкил қилган, шундан 118 таси тирик туғилган.

Касалликлардан ўлим сони жами 1443 тани ташкил қилади. Ушбу ўлим сонидан юрак қон-томир касалликлари бўйича 796 та, нафас олиш аъзолари касалликлари бўйича 448, бошқа касалликлардан 197 ўлим юз берган.

Даволаш муассасаларидан келтирилган мурдалар сони жами 1126 тани ташкил қилади.

**Жадвал №1**

| № | Ўлим тури | 2022 йил | | 2023 йил | | 2024 йил | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | сони | % | сони | % | сони | % |
| **1** | **Жами ўлим сони** | **2703** | **100** | **2824** | **100** | **2949** | **100** |
| **2** | **Касалхонадан келтирилган мурда** | **869** | **32.1** | **889** | **31.5** | **1126** | **38.2** |
| **2** | **Зўраки ўлим** | **1373** | **50.8** | **1348** | **47.7** | **1338** | **45.4** |
| **3** | **Механик жарохатлар** | **594** | **22.0** | **583** | **20.6** | **621** | **21.1** |
| 3а | Транспорт травмаси | 400 | 67.3 | 399 | 68.4 | 427 | 68.8 |
| | Шундан автотравма | 384 | 96.0 | 368 | 92.2 | 408 | 95.5 |
| 4 | **Механик асфиксия** | **589** | **21.8** | **569** | **20.1** | **559** | **19.0** |
| | Осилиш | 361 | 61.3 | 344 | 60.5 | 323 | 57.8 |
| | Чўкиш | 167 | 28.3 | 163 | 28.6 | 155 | 27.7 |
| **5** | **Захарланиш** | **111** | **4.1** | **105** | **3.7** | **94** | **3.2** |
| | Ис гази | 89 | 80.2 | 69 | 65.7 | 57 | 60.6 |
| | Кислота | 9 | 8.1 | 8 | 7.6 | 6 | 6.4 |
| | Дори воситаси | 0 | 0 | 3 | 2.8 | 5 | 5.3 |
| **6** | **Жами касалликдан ўлим** | **1114** | **41.2** | **1348** | **47.7** | **1443** | **49.0** |
| | Юрак қон-томир касаллигидан ўлим | 548 | 49.2 | 699 | 51.8 | 796 | 55.2 |
| | Нафас олиш аъзолари касаллигидан ўлим | 379 | 34.0 | 430 | 31.9 | 448 | 31.0 |
| | Бошқа касалликлар | 187 | 16.8 | 219 | 16.2 | 197 | 13.6 |
| **7** | **Туғиш вақтида она ўлими** | **12** | **0.4** | **3** | **0.1** | **6** | **0.2** |
| **8** | **Янги туғилган чақалоқ ўлими** | **161** | **5.9** | **123** | **4.3** | **143** | **4.8** |
| | Жумладан тирик туғилган | 101 | 62.7 | 60 | 48.8 | 118 | 82.5 |

Бундан Тошкент вилоятида ўлим билан боғлиқ экспертизалар йилдан йилга ўсиб бораётганини кўриш мумкин.

2022-2023-2024 йиллар маълумотни тахлилини олсак, касалхонадан келтирилган мурдалар сони кўпайиб бораётганини, шу қаторда касалликлардан юз берган ўлим сони, жумладан юрак қон-томири касалликларидан ўлим сони ҳам йилдан-йилга кўпайб бораётганини кўришимиз мумкин.

Аёллар туғиш вақтидаги ва янги туғилган чақалоқлар ўлими 2022 йилга нисбатан 2023 йил анча пасайганини кузатсак, 2024 йил тахлилида 2023 йилга нисбатан яна бироз кўпайганлигини кузатишимиз мумкин.

Захарланиш бўйича ўлим уч йиллик мониторингида камайиб бориш индексини кўришимиз мумкин, лекин шу захарланиш туридан дори воситасидан захарланишни йил сайин ортиб бораётганлиги кузатилади.

Умумий ўлим сонига нисбатан зўраки ўлим сони йилдан йилган нисбатан камайиб бораётганини кузатишимиз мумкин. Лекин механик жарохатлардан ўлим сони, жумладан автотравмадан ўлим сони нисбатан ошиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Автотравмадан ўлим сони ошиб бориши йил сайин автотранспорт воситаларини кўпайиши, жумладан янги замонавий тез юрар автотранспорт воситаларини кўпайиши билан блғлаш мумкин.

Механик асфиксияда, жумладан осилиш ва чўкиш ҳолатлари йил сайин нисбатан камайиб бориш индексини кузатиш мумкин.

Йилдан йилган касалликлардан ўлим сони ортиб бориши Тошкент вилояти аҳолисини тиббий кўрикдан ўтказиш, диспансер назоратига олиш ва патронаж ўтказилиши кўрсатгичлари анча пастлигидан далолат бериши мумкин.

Юқоридаги кўрсатгичларни инобатга олиб самарали тиббий кўрикларни ташкиллаштириш, диспансер назоратига олиш ва патронаж ўтказишини такомиллаштириш лозим.

Шу каби тиббиётдаги долзарб муоммоларни бартараф этиш юзасидан

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги “Республика соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора тадбирлари” тўғрисида фармони №ПФ-88 чиқарилган.**

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 май кунидаги “Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни амалга оширининг қўшимча чора тадбирлари тўғрисида”ги №ПҚ-185-сонли қарори қабул қилинган.**

**Мақсадлар:** 2025 йил 1 июлдан республиканинг 15 та туман (шаҳар)ларида, 2026 йил 1 январдан бошлаб эса Самарқанд вилоятида тажриба-синов тариқасида соғлиқни сақлаш тизимини ташкил этишнинг янги моделини (кейинги ўринларда-Тажриба-синов лойиҳаси) жорий этиш доирасида соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштиришнинг асосий мақсадлари этиб қуйидагилар белгилансин:

а) бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқиш орқали оилавий поликлиникаларда кўрсатиладиган тиббий ҳизматлар сифат ва самарадорлигини ошириш;

б) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг туман (шаҳар) даражасидаги бўлинмаси, оилавий поликлиникалар, марказий шифохонанинг вазифа ва функцияларини, шунингдек, тиббий ёрдам кўрсатишда аҳоли ва тиббиёт ходимларининг ҳуқуқ ва мажбуриятларини аниқ белгилаш;

в) тиббиёт ходимларининг билим ва малакасини ошириш, улар меҳнатига муносиб ҳақ тўлаш тизимини жорий қилиш;

г) Соғлиқни сақлаш вазирлигининг вертикал бошқарувида туман (шаҳар)бўғинини ислоҳ қилиш орқали амалга ошириладиган ислоҳатларни жадаллаштириш ва мониторинг қилиш;

д) аҳолига тиббий ёрдам кўрсатишда қисқа муддатли чора тадбирларни ўз ичига олган "Тиббиётда 90 кунлик ўзгаришлар" дастурини амалга ошириш.

**Адабиётлар ва қўлланмалар.**


1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 майдаги "Республика соғлиқни сақлаш тизимини ва аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш тамойилларини такомиллаштириш орқали соҳани ислоҳ қилишни изчил давом эттириш чора тадбирлари" тўғрисида №ПФ-88 фармони.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 19 май кунидаги "Соғлиқни сақлаш тизимидаги ислоҳотларни амалга оширининг қўшимча чора тадбирлари тўғрисида"ги №ПҚ-185-сонли қарори.
3. Республика суд-тиббий экспертиза илмий амалий маркази Тошкент виояти филиалининг 2022-2023-2024 йиллардаги статсистик "Йиллик ҳисоботлари"
4. Ғиёсов З.А. Суд тиббиёти //Тиббиёт олий ўқув юртлари талабалари учун дарслик. - Тошкент, "Global Books" нашриёти, 2018. 291-292 б.